



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, [qumhok@exat.uz](mailto:qumhok@exat.uz)

2021 -yil “ 1 ” апрел

Қ-464 -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “Tumor bodomzori” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 28 сентябрдаги 47-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 28 сентябрдаги 47-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Тоғаев Олимжон бошлиқ “Tumor bodomzori” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Беш қахрамон” массиви “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасининг 12, 14-дала контурларда жойлашган жами ер майдони 4,17 гектар, шундан 2,30 гектар боғ, 0,50 гектар яйлов ер майдони, 0,09 гектар ариқ, 1,28 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-банди талабига асосан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланилмаганида мазкур қарор бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

6. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хохишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

7. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “Tumor bodomzori” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.


8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Қумқўрғон туман ҳокими  
Р.Б.Гаппаровга

Тумандаги “Сурхон соҳили”  
махалласида яшовчи фуқаро Тоғаев  
Олимжон томонидан

## А Р И З А

Аризани ёзишимдан мақсад, менга “Беш қахрамои” массиви  
“Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида боғдорчилик  
йўналиши бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этишимга  
рухсат беришингизни сўрайман деб



Тоғаев Олимжон

21.09.2020.

UMQO RO'YON TUMAN  
ER RESURSLARI VA  
DAVLAT  
DASTURI SO'ZLARI  
KIRISHI  
ANA

01-11-021 -  
24.09.2020

TUMAN HOKIMLIGI	SAHIFALAR SONI	
	KIRISH №	1964/01-41
	SANASI	21.09.20.

Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on  
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va  
tomorqa yer egalari Kengashi

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox  
ko'chasi 3-uy



Сурхондарё вилояти Қумқўрғон  
туман фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер  
эгалари Кенгаши

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох  
кўчаси 3- уй

2020 йил «24» сентябр

Қумқўрғон тумани

№ 739

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон тумани “Сурхон соҳили” мфй фуқароси Тоғаев Олимжонга боғдорчилик фермер хўжалиги учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.

### ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, фуқаро Тоғаев Олимжонга (AA0576834) боғдорчилик фермер хўжалиги учун ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Қишлоқ хўжалигида иш стажи 3 йил.
2. Маълумоти олий, фермер хўжалигини бошқариш.
3. Талабгорнинг 8 бош қорамоли, 16 бош қўйи ва 1 бош 9 оти мавжуд.
4. Талабгорнинг техникаси мавжуд эмас.
5. Талабгорнинг 4 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд.
7. Талабгор мавжуд 6 сотих томорқасига иссиқхона ташкил этиб экинларини экиб самарали фойдаланиб келмоқда.
8. Талабгор ўтказиладиган тендер танловга иштирок этиши мумкин.

Қумқўрғон тумани “Сурхон соҳили” мфй фуқароси Тоғаев Олимжонга боғдорчилик фермер хўжалиги учун Беш қахрамон худудидан ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари  
Кенгаши раиси:

1964/01-41  
21.09.2020 й



А.Самадов